

АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИШ ОРҚАЛИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Нурмухамедова Б.И.

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети
“Молия ва молиявий технологиялар”
кафедраси, доцент*

2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида кўзда тутилган ва амалга оширилиши мўлжалланган 100 та мақсаднинг 53-мақсади “Аҳоли учун мажбурий ижтимоий кафолатларни таъминлаш, эҳтиёжманд қатламларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш” чора-тадбирларнинг амалга оширилишини назарда тутди. Бу борада фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилиш, жамиятнинг ҳимояга муҳтож қатламлари, кўп болали оилалар, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, имконияти чекланган шахсларни қўллаб-қувватлаш бўйича изчил ва манзилли давлат сиёсатини амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилишнинг янги рақамлаштирилган тизимини шакллантириш, ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий хизмат кўрсатиш ва уларни реабилитация қилиш даражасини ошириш, жамиятнинг эҳтиёжманд қатламларини давлат томонидан мақсадли қўллаб-қувватлаш, уларга ихтисослаштирилган, юқори технологияли тиббий ёрдам кўрсатиш ва ижтимоий хизматлар сифатини янада яхшилашга йўналтирилган комплекс ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишда давлат муассасалари билан биргаликда, кўплаб нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия фондлари ижтимоий шериклик механизмлари асосида муваффақиятли фаолият юритмоқда. Улар жамият ва давлатнинг барқарор, изчил ривожланиши, аҳоли фаровонлигини ошириш ҳамда ҳаёт сифатини яхшилаш, оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламларининг сифатли тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, фуқаролар, жумладан, имконияти чекланган шахсларга ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини яхшилаш, кам таъминланган оилаларни моддий қўллаб-қувватлашга кўмаклашмоқда.

Кейинги йилларда соҳада замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 апрелдаги “Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини идоралараро электрон ўзаро ҳамкорликни қўллаган ҳолда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 308-сонли қарорига

асосан Сирдарё вилоятида 2019 йил 1 октябрдан бошлаб тажриба-синов тариқасида кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам тайинлашни “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали амалга ошириш тизими жорий этилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 августдаги “Аҳолига давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдам тақдим этиш тартиб-таомилларини автоматлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4797 қарорига мувофиқ, кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинлаш республикамизнинг барча ҳудудларида 2021 йил январь ойидан бошлаб тўлиқ “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали амалга оширилмоқда.

Хўш, «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ўзи нима, у нима мақсадда ишлаб чиқилган, унинг самараси нимада намоён бўлади? “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимини аҳолининг барча ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари ва уларга кўрсатиладиган барча ижтимоий ёрдам ва хизматлар учун ягона маълумотлар базасига айлантириш мақсадида нималарга эришилди?

“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” фуқаролар томонидан ижтимоий нафақалар олиш учун ариза топширганда оила аъзоларининг даромадлари, мол-мулки ва иш билан бандлиги тўғрисида автоматик тарзда электрон ахборот олади ва қонун ҳужжатларида кўрсатилган мезонлардан келиб чиққан ҳолда кам таъминланган оилаларни аниқлайди, уларга ижтимоий нафақалар тайинлайди, барча ариза берувчиларни ижтимоий нафақаларни тайинлаш ёки тайинлашни рад этиш тўғрисида автоматик равишда хабардор қилади.

“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими “Development Pathways” ихтисослаштирилган халқаро компания томонидан ишлаб чиқилган. Унинг техник жиҳатдан фаолиятини таъминлаш ва доимий такомиллаштириб бориш ишлари Молия вазирлиги ҳузуридаги Ахборот-технологиялари маркази томонидан амалга оширилмоқда. Бугунги кунда “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимига 21 та вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимларидан 49 турдаги маълумотлар электрон олиниши белгиланган ҳамда электрон маълумотлар базалари билан ахборот алмашинуви йўлга қўйилди.

“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими жорий этилиши натижасида кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси ва моддий ёрдам бериш қамрови йилдан-йилга ошиб бораётганлиги, шу билан бирга, аҳоли ўртасида мазкур тизимнинг афзалликлари, инсон омилининг бартараф этишга доир ишларнинг самарали ташкил этилгани натижасида аҳоли ўртасида кам таъминланган оилалар томонидан нафақалар тайинлаш масаласида мурожаатлар сонининг камайишига эришилаётганини ижобий баҳолаш мумкин.

Мамлакатимизда кам таъминланган оилаларни аниқлаш ва уларга манзилли ёрдам кўрсатиш мақсадида ижтимоий ҳимоя қилиш тизимига

замонавий ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича қисқа муддаларда салмоқли ишлар амалга оширилиб, тизим мунтазам равишда такомиллаштирилиб борилаётганлигига қарамай, бу борада айрим вазифаларнинг ижроси кечикаётганлигини таъкидлаш лозим. Хусусан, ФХДЁ архивларида қоғоз шаклидаги ахборот ташувчиларда сақланадиган барча ҳужжатларни (никоҳ тузиш, никоҳдан ажралиш, туғилиш ва ўлим тўғрисидаги ёзувларни) рақамлаштиришни тугатиш, маълумотларни “ФХДЁ электрон архиви” ахборот тизимига киритиш ишлари якунланмаганлиги, “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимидан фойдаланувчи субъектлар ўртасидаги ўзаро интеграция жараёнларида ҳам бир қатор муаммолар мавжудлиги ушбу соҳада аҳолига қулайлик яратиш, коррупциянинг олдини олишга хизмат қилувчи ушбу тизимни янада такомиллаштиришни тақозо қилади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони билан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ишларини қуйидаги устувор йўналишлар бўйича амалга оширишга киришилди:

- ижтимоий ёрдамга муҳтож ва ижтимоий нафақа тайинлаш мезонларига жавоб берадиган барча оилалар ва шахсларни ижтимоий ёрдам дастурлари билан қамраб олиш;

- мажбурий ижтимоий кафолатлардан, шу жумладан, ижтимоий ҳимоя турларидан фойдаланиш имкониятини соҳани рақамлаштириш ҳисобига кенгайтириш, ушбу жараёнга очиқлик ва шаффофлик тамойилларини жорий қилиш;

- аҳоли учун мажбурий ижтимоий кафолатларни таъминлаш, эҳтиёжманд қатламларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш;

- ногиронликни белгилашнинг ижтимоий моделига босқичма-босқич ўтиш ҳамда имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш;

- аҳолининг муҳтож қисмини замонавий протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация воситалари билан таъминлаш;

- ижтимоий хизматларни аҳолига бевосита маҳалла даражасида кўрсатиш амалиётини жорий этиш.

Ўзбекистон Республикаси Президент Администрацияси ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ихтиёрида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Ижтимоий суғурта жамғармаси ташкил этилди. Ушбу жамғарма давлат бюджети маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан шакллантирилади. Ижтимоий суғурта жамғармаси ҳисобидан жумладан, 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб давлат ижтимоий суғуртаси бўйича минимал истеъмол харажатларидан келиб чиқиб ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари тўланади. Келгусида давлат ижтимоий суғуртаси бўйича бериладиган нафақалар “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали босқичма-босқич тўланади.

2023 йил 1 мартга қадар давлат томонидан кафолатланган ва бепул тақдим этиладиган минимал ижтимоий хизматлар рўйхати шакллантирилди. 2023 йил 1 июлга қадар эса ушбу хизматларни кўрсатиш стандартлари тасдиқланди.

Хулоса қилиб айтганда, аҳолига мажбурий ижтимоий кафолатларни таъминлаш, унинг эҳтиёжманд қатламлари ижтимоий ҳимоясини ҳамда кексалар ва имконияти чекланган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашда давлат ҳал қилувчи ўрин эгалламоғи лозим. Бошқа тузилмалар ва фуқаролик институтлари мазкур йўналишлардаги давлат томонидан белгиланган мақсадларга эришишда давлатга кўмаклашишлари шарт. Давлат аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг бошқа институтлари билан муносабатларини ижтимоий шерикчилик асосида йўлга қўйиши ва, пировардида, жамиятда ижтимоий осойишталикни таъминлашга, фуқароларнинг ижтимоий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар натижаларидан розилиги ва қониқиш ҳосил қилишига эришиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 01.05.2023. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 03.01.2024 й., 06/24/221/0003-сон.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “«Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармони, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.09.2023 й., 06/23/158/0694-сон; 29.12.2023 й., 06/23/214/0984-сон.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1 июндаги “Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-82-сон Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.05.2024 й., 06/24/75/0335-сон

5. Нурмухамедова Барно Исмаиловна. Пути совершенствования финансового обеспечения сферы социальной защиты населения. “Moliya tizimini rivojlantirishning zamonaviy tendensiyalari va istiqbollari” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari to‘plami –T.: TDIU, – 2024. - 1316 b. 666-672-betlar. <https://doi.org/10.5281/zenodo.11399644>

6. Нурмухамедова Барно Исмаиловна. Ижтимоий ҳимоя соҳасини молиявий таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари. “Moliyaviy texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. 2025-yil I son. <https://zenodo.org/records/15021781>.

7. Жакбаров Сардор. Система социального страхования в Новом Узбекистане. Спецвыпуск междисциплинарного электронного научного

журнала «Общество и инновации». Том 5 № 2/S (2024):
<https://inscience.uz/index.php/socinov/issue/view/72>

8. Ижтимоий ҳимоя факт ва рақамларда. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг ахборот нашри. 2023-2024.

ГОРМОНИЗАЦИЯ РАСХОДОВ ГОСУДАРСТВЕННОГО БЮДЖЕТА С ЦЕЛЯМИ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ

Тохтарбаев Шахислам Байрам улы

*студент 3-курса направления бакалавриата
«Международные валютно-кредитные отношения», ТГЭУ.*

Б.Нурмухамедова

*Научный руководитель: доцент кафедры
«Финансы и финансовые технологии»*

Постоянно меняющиеся экономические и социальные условия требуют от правительств всех стран перераспределять бюджетные ресурсы с целью достижения долгосрочного устойчивого развития. Республика Узбекистан, как быстро развивающаяся страна, активно работает над реализацией Целей Устойчивого Развития (ЦУР), и гармонизация расходов государственного бюджета с этими целями является ключевым инструментом обеспечения стабильного и устойчивого роста. Важно отметить, что интеграция устойчивого развития в бюджетную политику требует учета не только экономической, но и социальной и экологической составляющих, что влечет за собой необходимость в сбалансированном и стратегическом подходе к распределению бюджетных средств.

Устойчивое развитие – это концепция, ориентированная на такой способ развития, который удовлетворяет потребности настоящего поколения, не ставя под угрозу возможности будущих поколений удовлетворять свои собственные потребности. Это включает в себя балансирование экономических, социальных и экологических факторов.

Государственный бюджет является основным инструментом перераспределения финансовых ресурсов в целях реализации общественно значимых программ, включая программы устойчивого развития. Бюджетные расходы напрямую влияют на экономическую стабильность, социальное благополучие и охрану окружающей среды, что делает его ключевым элементом в достижении целей устойчивого развития.

Гармонизация бюджета с ЦУР – это процесс интеграции принципов устойчивого развития в бюджетное планирование и управление, который направлен на поддержание баланса между экономическими, социальными и экологическими целями. В контексте достижения Целей Устойчивого Развития, гармонизация бюджета предполагает, что государственные расходы и налоговая политика должны учитывать долгосрочные цели,